

САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ - ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА

Темиров Фаррух Умедович

т.ф.ф.д (PhD) доцент (БухДУ)

+998907444408 // +998940003017

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14019217>

Аннотация. Ушбу мақолада Садриддин Айнийнинг замондошлари ва маслакдошлари томонидан адабнинг илмий-ижодий фаолиятига дахлдор фикр-мулоҳазалари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: маърифатпарвар, жадид, нашриёт, матбуот, газета, инқилоб, заковат, инқилобчи.

SADRIDDIN AINI'S SCIENTIFIC AND CREATIVE ACTIVITY - IN THE MEMORY OF HIS CONTEMPORARIES

Abstract. In this article with scientific standpoint are analyzed opinion and ideas about scientific activity contemporary S. Ayniy.

Key words: education, jaded, the press, printed organization revolution, sharpness, revolutionary.

НАУЧНАЯ И ТВОРЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ САДРИДДИНА АЙНИ – В ПАМЯТИ СОВРЕМЕННИКОВ

Аннотация. В этой статье с научной точки зрения анализируется мнение и идеи о научной деятельности современников С. Айний.

Ключевые слова: образованные, жадид, пресса, печатная организация, революция, остроумность, революционер.

Тарихнавис адиб, йирик сўз санъаткори Садриддин Айний (1878-1954) ўзининг тарихий, бадий асарларида қатор муҳим масалалар билан бирга Бухоройи шарифда яшаб, ижод этган тарихчилар, олимлар, шоирлар қалам аҳллари, умуман ўз даврининг ўқимишли, зиёли кишилари тўғрисида “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар”¹, “Намунаи адабиёти тоҷик”² (“Тоҷик адабиёти намуналари”) ва “Эсдаликлар”³ каби йирик асарларида муҳим бўлган маълумотларни ёзиб қолдирган.

¹ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари марказий нашриёти, 1926.

² Айний С. Намунаи адабиёти тоҷик. – Москва: Чопхонаи нашриёти марказии халқии Ҷамоҳири шўравии Сўсиёлиستӣ, 1926.

³ Айний С. Эсдаликлар. 1-4 қисмлар. / Асарлар. 8 жилдлик. 5-7 жилдлар. Т: Ўздавнашр, 1963-65.

Айнийнинг 1926 йилда Москвада, ўзбек тилида, (араб имлосида) чоп этилган “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” номли машҳур асари ёзувчи ижодида катта ўрин эгаллайди. Муаллиф ушбу тарихий тадқиқотида Аҳмад Дониш, Исо Махдум, Шарифжон Махдум (Садри Зиё), Қори Абдулмажид Зуфунун, Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний, Афзал Махдум Пирмастий Бухорий, Мирзо Абдулвоҳид Мунзим, Мир Муҳаммад Сиддиқ Ҳашмат Бухорий, Яхёхожа, Абдуллахожа Абдийн, Мулла Шарифи Соат ва Абдурауф Фитрат сингари бухоролик маънавият ва маърифат вакилларининг илмий-ижодий фаолиятини ҳурмат ва эҳтиром ила тилга олиб ўтган⁴.

Машҳур олимнинг илм-маърифатни истаб, эски мактаб дарсларидан, унинг эски таълим усулларидан қониқмай, Бухоро мадрасаларида ўқишини таъминлади. Айний ўттиз йилга яқин умрини (1889 – 1917) Бухоро шаҳрида ўтказди. Маърифатпарвар олим ўша даврдаги Бухоронинг машҳур ва маълум бўлган Мири Араб (1890-1891), Олимжон (1892-1893), Бадалбек (1894-1896), Ҳожи Зоҳид (1896-1899) ва Қўқалдош (1899-1900) мадрасаларида ўқиди. Кўплаб тарихий воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлди. Бу даврнинг машҳур олимлари, шоирлари ва таниқли илм ихлосмандлари билан танишди, илмий-ижодий ва адабий ҳамкорликни йўлга қўйди.

Мана шу даврдан бошлаб унинг замондошлари ва яқин қалам аҳллари Айнийнинг илмий-ижодий фаолияти ва илмий меросига, жадидчилик ва тараққийпарварлик фаолиятига бефарқ бўлмай, ўз асарларида, у ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини ва хотиралари ёзиб қолдирганлар ва ҳолисона баҳо берганлар. Жумладан, ўша вақтдаги адабий ва тарихий муҳитнинг намояндалари қаторида Айнийни эҳтиром ва самимият билан тилга олган Абдуллахожа Абдийнинг 1904-1906 йилларда тузилган “Шуарои мутааххирини Бухоро” асарида уни “заковатли, билимдон, нодир фикрлар соҳиби”⁵ тарзида тавсифласа, Афзал Махдум Пирмастий Бухорийнинг “Афзал-ут-тазкор фикри зикр-уш-шуаро в-ал-ашъор” (“Шоирлар ва шеърлар ҳақидаги Афзал тазкираси”) китобида (1904) “Айний Садриддин-хожа адабиётшунос ва талантли шоир, ноёб истеъдод соҳибидир”, деб тилга олса, Идрисхожа Рожийнинг “Баёз”ида (1907), Мир Муҳаммад Сиддиқ Ҳашмат Бухорийнинг “Тазкират-ут-шуаро”, тазкираларларида Айнийнинг шоирлик истеъдоди ҳақида илиқ фикрларни билдириб ўтилган⁶.

⁴ Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва. СССР халқлари Марказий нашриёти. 1926. – Б. 29.

⁵ Абдуллахожа Абдй. Шуарони мутааххирини Бухоро. / Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. № 64, вар. 122 а.

⁶ Қаранг: Азизкулов Ж, Мулложонова З. Феҳрастй асарҳои С. Айний ва адабиёти оид ба ў. (То охири соли 1961). – Душанбе.: Нашриёти Академияи фанҳои РСС Тоҷикистон, 1963. – С. 39-40.

Ҳожи Азими Шаърийнинг “Тазкират-уш-шуаро”сида, Ҳожи Муҳаммад Неъматулло Муҳтарамнинг 1908 йилда ёзган тазкирасида эса, у ҳақда ўзининг ижобий фикрларини билдириб, “тарихнавис адиб ва беназир шоир”⁷ сифатида таърифлайди. Ўз даврининг машҳур зиёлиларидан бири, илм-маърифат ихлосманди бўлган Шарифжон Махдум Садри Зиё (1867-1932) ўзининг “Тазкират – уш – шуарои мутақаддимин” китобида 162 нафар “Шуарои мутааххирин” тазкирасида 80 дан ортиқ ва “Фузалои мутааххирин” тазкирасида тилга олинган 79 нафар шоирлар ва олимлар қаторида Айнийни ўша даврдаги адабий муҳитнинг энг кўзга кўринган сиймоларидан бири сифатида ҳурмат билан тилга олган⁸. “Айний – Мулло Садриддинхожа Гиждувондандир. Шоирлик, нуқтасанжлик, нозикфаҳмлик, зеҳни заковат ва идрок қилиш қуввати жиҳатидан ўхшаши ва тенги йўк йигитдир”⁹.

Шарифжон Махдум Садри Зиё 1926 – 1927 йилларда китобат қилган “Фузалои мутааххирин” тазкирасида Айний ҳақида шундай ёзади: “Айний Амир Олимхон замонида жадидчилик ва инқилобчилиги учун қаттиқ қаршиликка учраб, Самарқандга кетиб ва у ердан қўниб топган эди. То шугунгача – ҳижрий 1345 йилга қадар (1927) ўша вилоятда (Самарқандда) маориф ва нашриётчилик ишлари билан машғулдир”¹⁰.

Таниқли тарихчи олим Мирза Салимбек (1848 – 1930) ўзининг машҳур “Тарихи Салимий” асарида Айнийнинг тараккийпарварлик ва маорифпарлик фаолиятига ижобий баҳо бериб ўтади¹¹. Муҳаммад Али Балжувоний ўзининг 1923-1927 йилларда ёзган “Тарихи нофеий”¹² (“Фойдали тарих”) китобида, адибнинг Бухоро жадидчилик ва маъорифпарварлик ҳаракатидаги ўрни, илм-маърифат йўлида самарали фаолият тўғрисида фикр билдиради.

Айнийнинг ижоди ва илмий мероси кўплаб тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб қилган. Ўзбек миллий зиёлиларидан Ҳожи Муин Шукрулло (1883-1942) ўз даврида Айнийнинг маърифий-тарихий қарашларига, унинг асарларидаги тарихий жараёнларнинг

⁷ Ҳожи Неъматуллох Муҳтарам. Тазкирату – ш – шуаро. – Душанбе: 1975. – Б. 61.

⁸ Саҳобиддини Сиддиқӣ. Садри Зиё ва тазкираҳои ӯ (Садри Зиё ва унинг тазкиралари). – Душанбе: Шужоӣён, 2010. – Б.102, 172, 178; (Шунингдек, қаранг: Садри Зиё. Наводири Зиёӣя. – Душанбе: 1991. – Б. 5.). Садри Зиёнинг юқорида тилга олинган асарлари ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик илмий тадқиқот институтининг нодир қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

⁹ Tazkare Ashar. Sharif-jan Makhdum Sadr Zia, Ed., by M. J. Shakuri Bokhari. Soroush. Press. Tehran, 2001. – P. 332.

¹⁰ Садри Зиё. Фузалои мутааххирин. / Саҳобиддини Сиддиқӣ. Садри Зиё ва тазкираҳои ӯ. – Душанбе: Шужоӣён, 2010. – Б. 102.

¹¹ Мирза Салимбек. Тарих – и Салими. (Источник по истории Бухарского эмирата). Т: Академия, 2009. – С. 143.

¹² Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеӣи. Т: Академия, 2001. – Б. 53 – 54.

тасвирига, айниқса, адибнинг йирик асари бўлган “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” асарига ўз даврида биринчилардан бўлиб ҳолисона баҳо берган¹³.

Шунингдек, Ҳожи Муин олимнинг Самарқандда миллий матбуотчиликни ривожлантириш йўлида кўрсатган хизматларини алоҳида қайд этиб шундай ёзади:

“Меҳнаткашлар товуши” газетасининг таржима ва таҳрир ишларинда бир муддат Саидризо Ализода, Муҳаммаджон Юсуфий, Қори Муҳаммадраҳим Тожи, Садриддин Айний афандилар хидмат этдилар. Буларнинг ичида биринчи даражада узун муддат ишлаган киши шубҳасиз Айний афанди эди. “Болалар йўлдоши” (журнал) мажмуасининг муҳаррири Хабир, масъул мудир Абдурашид Абдужаббор ўғли эдилар. Бунинг таҳрир ҳайъатида Айний афанди ҳам бор эди. “Шуълаи инқилоб” (журнал) мажмуасининг доимий ёзгувчилари фақат Саидризо Ализода билан Айний афанди эдилар”¹⁴. И.И. Умняков ўзининг тадқиқотида¹⁵, Бухородаги янги усул-жадид мактабларининг фаолият кўрсатишида адибнинг олиб борган сай-ҳаракатлари ҳақида илк бор батафсил маълумотларни беради.

Бухоро жадидчилик ҳаракатининг машҳур намояндаси, ёзувчи, драматург, нотик ва шоир Абдурауф Фитрат (1886-1938) ҳам замондоши Айний ижодига бефарқ бўлмаган.

Фитрат адибнинг 1927 йилда нашр этилган “Одина” асарига сўзбоши ёзган ва Айнийнинг ушбу асари билан самимий табриклаб, қимматли ва муҳим аҳамиятга молик асар эканлигини эътироф этган¹⁶.

Айний, давлат арбоби Файзулла Хўжаев (1896-1938) билан узоқ йиллар дўстона ва ижодий ҳамкорликда бўлади. Унинг маслаҳати ва тавсияси билан Айнийнинг қизлар мактаби учун ўзбек тилида тузилган “Қизбола ёки Холида” асари 1924 йилда ўзбек тилида Берлинда “Камёвиний” босмахонасида¹⁷ (Абдулвоҳид Мунзим иштироки ва ёрдамида) ҳамда йирик адабий тадқиқоти ва анталогияси бўлган “Намунаи адабиёти тожик”¹⁸ (“Тожик адабиёти намуналари”) асари Москвада 1926 йилда, нашр этилади. “Қизбола ёки Холида” асари адабий-ахлоқий китоб бўлиб, хотин-қизлар мактаби учун ўзбек тилида чиққан

¹³ Ҳожи Муин. Янги асар (Бухоро инқилоби тарихи асарида ҳақида). // Меҳнаткашлар товуши, 1921, 12 май.

¹⁴ Ҳожи Муин. Самарқанд матбуотининг тарихи. // Зарафшон. 1923 йил, 5 май. (Шунингдек, Қаранг: Ҳожи Муин. / Танланган асарлар. (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н.Намозова). Т: Маънавият, 2005. – Б. 123 – 124.).

¹⁵ Умняков И.И. К истории новометодной школы в Бухаре. // Бюллетень САГУ. – Ташкент: 1927. Вып. 16. – С. 82 – 95.

¹⁶ Фитрат. Сарсухан ба асари Садриддин Айний “Одина”. / Айний С. Одина. – Самарқанд-Душанбе: Нашрдавтожик, 1927. –Б. 2-3.

¹⁷ Айний С. Қизбола ёки Холида. Ибтидоий қиз мактаблари учун адабий, ахлоқий ўқув китоби. Ношир: Абдулвоҳид Мунзим, Берлин, 1924. 20. Б.

¹⁸ Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Москва: 1926.

биринчи китобдир¹⁹. Шунингдек, Ф.Хўжаевнинг ёрдами билан Айнийнинг тожик тилида ёзган “Одина” номли биринчи қиссаси рус тилига таржима қилиниб, 1930 йилда Москвада нашр этилади. Асарнинг русча нашрига Файзулла Хўжаевнинг ўзи “Одина повести хусусида” деган мазмундор сўзбоши ёзади. Унда шундай фикрларни ёзади:

“Садриддин Айнийнинг бу повести тожик халқининг ҳаёти ва турмуш шароитларини бадиий формада ифода эттиришга қаратилган дастлабки уринишдир. Айний ўз повестида мутлақо ҳуқуқсиз бўлган ва шафқатсиз эксплуатацияга маҳкум этилган ўнлаб ва юз минглаб меҳнаткашларнинг ҳаётини ҳаққоний равишда ҳеч қандай бўёқсиз тасвирлаб беради. Айний ўз асарида тасвирлаган район – Қоратегин беклигида ҳам шунда аянчли аҳвол мавжуд эди. Айний бу районларни жуда яхши билади. Ёзувчи у ердаги аҳолининг, хусусан, камбағал, қашшоқ халқнинг жуда оғир ҳаёт кечириётганини бевосита ўз кўзи билан кўрган эди”²⁰.

Ф.Хўжаев ўзининг “Бухоро инқилобининг тарихига материаллар”²¹ асарида Айнийнинг илмий-ижодий фаолиятига, жаидчилик ва тараққийпарварлик қарашларига ҳам муносиб баҳо бериб ўтган. Ф.Хўжаев Айний томонидан Бухоро инқилоби тарихига доир ёзилган китоб ва мақолаларни синчиклаб ўрганар экан, уларнинг ютуқ ва камчиликларини ўз вақтида тўғри кўрсатиб ўтган. Чунончи, Айнийнинг “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” асари устида фикр юритар экан, шундай ёзади:

“1921-1922 йиллар мазкур мавзуда “Бухоро инқилоби тарихига оид материаллар” деган номда Айнийнинг бир китоби чиқди. Айний жаидчиликнинг зуҳуридан бошлаб ишлаган ҳам унинг раҳбар ва муассасаларидан бири эди. Айнийнинг асари жаидчилик ҳаракатининг айрим даврларини тасвир этадурган жуда қимматлик материалларни ичига оладир. Бу асар руҳий жиҳатдан айниқса, қизиқ бўлиб, жаидчилик ҳаракатининг айрим раҳбарлари ва шу жумладан Айнийни ўзининг кечирган ҳаёти ва туйғуларини чиройлик қилиб тасвир этадир”²².

1921-1923 йилларда Айний Бухоро Халқ Совет республикасининг Самарқанддаги консулхонасига маслаҳатчи сифатида ишлаган вақтларида²³ БХСР ҳукумати ёзувчи Айнийнинг иждоий юксалишини қўллаб қуватлайди. Шахсан, Ф.Хўжаевнинг раҳбарлигида

¹⁹ Қаранг: Ҳасанов М. Устод Айнийнинг унитилган бир асари ҳақида. // Совет Тожикистони. 1965 йил, 16 январь; Саидова М. “Қизбола ёки Холида” – и С. Айний ва аҳамияти тарбияви он. // Мактаби советий. – Душанбе: 1966, № 12.

²⁰ Хўжаев Ф. Одина повести хусусида. // Айний замондошлари хотирасида. Т: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1978. – Б. 9.

²¹ Хўжаев Ф. Бухородаги Революция ва Ўрта Осиёнинг миллий чегараланишига доир. / Танланган асарлар. 3 жилдлик. 1- жилд. Т: Фан, 1976. – Б. 94, 99, 111, 114.

²² Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. Т. Фан 1997. – Б. 61.

²³ Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим. / Асарлар. 8 жилдлик. 1-жилд. Т: Ўздавнашр, 1963. – Б. 99.

1923 йил 13 сентябрида Айний ҳақида қуйидаги қарор қабул қилинади: “Ўртоқ Айнийнинг революцион ҳаракатдаги хизматларини ва Бухоро меҳнаткаш оммасининг фойдаси учун узоқ йиллик фаолиятини ҳисобга олиб, Бухоро МИК фракциясига унга қўшимчаси билан 17 – разряд ставкаси миқдорида шахсий пенсия белгилаш таклиф этилсин. Секретариатга ўртоқ Айнийга хат билан мурожаат қилиш топширилсин, бундан кейин ундан ўзини фақат адабий фаолиятга бағишлаш сўралсин”²⁴.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўз даврида серқирра илмий-ижодий фаолияти ва илмий мероси билан замондошлари ва маслакдошлари томонидан эҳтиром ва самимият билан тилга олинган адиб Айний ижодини асосан, маданият, маънавият, маърифат, тарих, адабиёт, шарқшунослик ва манбашунослик каби кенг қамровли йўналишлар қамраб оладики, бу Айнийнинг улкан салоҳиятга эга, сермахсул олим эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, маърифатпарвар адиблар, фан фидойилари ва арбобларининг ҳаёт йўлларини синчиклаб ўрганиш, уларнинг илмий меросларини ўрганиб, қайта тиклаб ҳаётга тадбиқ этиш вазифаси турган бир пайтда, Садриддин Айний каби тараққийпарвар олим ва ёзувчиларнинг бизга ибрат мактаби бўла оладиган илмий-ижодий йўлларини ўрганиш ва унга ҳолисона баҳо беришни талаб этмоқда

REFERENCES

1. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари марказий нашриёти, 1926.
2. Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Москва: Чопхонаи нашриёти марказии халқии Ҷамоҳири шўравии Сўсиёлисті, 1926.
3. Айний С. Эсдаликлар. 1-4 қисмлар. / Асарлар. 8 жилдлик. 5-7 жилдлар. Т: Ўздавнашр, 1963-65.
4. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва. СССР халқлари Марказий нашриёти. 1926. – Б. 29.
5. Абдуллахожа Абдй. Шуарони мутааххирини Бухоро. / Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. № 64, вар. 122 а.
6. Азизкулов Ж, Муллоҷонова З. Феҳрастй асарҳои С. Айний ва адабиёти оид ба ў. (То охири соли 1961). – Душанбе.: Нашриёти Академияи фанҳои РСС Тоҷикистон, 1963. – С. 39-40.
7. Ҳожи Неъматуллоҳ Муҳтарам. Тазкирату – ш – шуаро. – Душанбе: 1975. – Б. 61.

²⁴ Қаранг: Ҳасанов М. Файзулла Хўжаев. Т: Ўзбекистон 1990. – Б. 46.

8. Саҳобиддини Сиддиқӣ. Садри Зиё ва тазкираҳои ӯ (Садри Зиё ва унинг тазкиралари). – Душанбе: Шужоӣён, 2010. – Б.102, 172, 178; (Шунингдек, қаранг: Садри Зиё. Наводири Зиёия. – Душанбе: 1991. – Б. 5.). Садри Зиёнинг юқорида тилга олинган асарлари ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик илмий тадқиқот институтининг нодир қўлёзмалар фондида сақланмоқда.
9. Tazkare Ashar. Sharif-jan Makhdum Sadr Zia, Ed., by M. J. Shakuri Bokhari. Soroush. Press. Tehran, 2001. – P. 332.
10. Садри Зиё. Фузалои мутааххирин. / Саҳобиддини Сиддиқӣ. Садри Зиё ва тазкираҳои ӯ. – Душанбе: Шужоӣён, 2010. – Б. 102.
11. Мирза Салимбек. Тарих – и Салими. (Источник по истории Бухарского эмирата). Т: Академия, 2009. – С. 143.
12. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеи. Т: Академия, 2001. – Б. 53 – 54.